

ТУРКИСТОНДА СЎФИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ ЁЙИЛИШИНING ИЛК БОСҚИЧИДА АЛЛОМАЛАРИМИЗNING ҚЎШGAN ХИССАСИ

Нарбеков А.В.

PhD., «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти

Ўзбекистон миллий университети

narbekovabdikamil@gmail.com

Араб халифалиги ташкил топганидан кейин ислом дини илмий-маданий марказлари кенгайиб борди. Ироқ, Қуртуба, Миср, Эрон, Туркистон каби минтақаларда ислом дини илмий-маданий марказлари вужудга келди. Ислом таълимоти “Илм-ар-рай” (“эътиқод ҳақидаги илм”) ва “Илм ал-осор” (ҳадисшунослик илми) каби соҳаларига бўлинди. IX-X асрлар ислом таълимоти ривожланишида алоҳида ўринга эга бўлганлиги сабабли, ислом таълимоти ривожланиши тарихида у “олтин давр” деб атлди.

IX-X асрларда ислом таълимотининг калом, ҳадисшунослик, фикҳ ва тасаввуф (сўфийлик) илмларида алломалар етишиб чикди. Диний таълимот тизимлаштирилиб, суннийлик йўналишининг ҳанафий мазҳаби ғоялари мусулмон давлатларида кенг тарқалди.

Ислом динининг Туркистонда тарқалиши мураккаб кечган, маҳаллий аҳолининг исломни қабул қилишида сўфийлик диний-фалсафий таълимоти алломалари сўфийлари жонбозлик кўрсатган. Сўфийликнинг ривожланиши тарихи уч даврга бўлинади. Биринчи даври VII-VIII асрлар зуҳд (арабча оз, кам нарса) даври – унда диндорлар мол-мулкка боғланиб қолмаслиги, моддий дунёдан кўра, оҳиратга кўпроқ рағбат кўрсатиш, Аллоҳнинг муҳаббатига интилиш, фақирлик, яланғочлик ва меҳнатни тарк этишдан сақланиш, бойликка эришиб, унга қалбан боғланиб қолмаслик, Аллоҳнинг васлига эришишга даъват этилган; Иккинчи даври IX-XII-асрларни сўфийлик таълимоти тизимлаштирилди. Унинг намоёндалари етишиб чикди; Учинчи даври XII-асрдан бошланди. Бу даврда сўфийлик тариқатлари жамоатлари вужудга келди [1.73-76].

Сўфийлик таълимотининг Туркистонда ёйилишини илмий ўрганиш Россия империяси босқини даврдан бошлаган. Россия тадқиқотчи ва олимлари сўфизмнинг Туркистонда ёйилишида калом фалсафаси вакили Муҳаммад Ғаззолийнинг (1058-1112) ижоди таъсирида ривожланганлиги тўғрисидаги илмий қарашлар қабул қилинди. XI-XII-асрларда сўфийлик тариқатлари Туркистонга Ироқ ва Эрондан кириб келган деб ҳисобланди [2.414-415]. Советлар даврида ҳам сўфийлик таълимотини Туркистонда ривожланиши тарихига қизиқиш сақланиб қолинди. Тарихчи олим В. В. Бартольд асарларида Бухоро сўфийлик мактаби сўфийликнинг минтақада ёйилишида марказ

вазифасини ўтаганлигини асарларида қйд этган. Бартольднинг фкрига кўра Туркистонда сўфийликнинг ёйилиши XII асрда амалга ошган [3.114-121].

Ўзбекистон тадқиқотчилари ва олимлари ҳам сўфийлик таълимотини илмий ўрганиш ишларини давом эттирилган. Сўфийликнинг минтақамизга кириб келиши масаласида турли илмий қарашлар сақланиб қолди. Уларнинг аксариятида сўфийлик таълимоти Туркистонда XI-асрда ёйилганлиги қайд этилади [4.481]. Бизнинг фикримизга кўра бу масалага аниқлик киритилиши зарур. Бунинг турли сабаблари мавжуд: Биринчидан, Туркистонга сўфийлик таълимоти Ироқ ва Форс орқали кириб келмаган. Зеро Ўрта Асрлар даврида Туркистон ислом дунёсида йирик диний-маданий марказлардан бири мақомига эга эди. Туркистонликларнинг ислом таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси Ироқ ва Форс каби марказлардан кам эмас. Туркистонлик алломаларнинг Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларига бориб илм ўрганишига объектив ва субъектив сабаблар таъсир кўрсатган. Ислом дини шу ерда вужудга келган. Араб халифалигининг марказлари ҳам мазкур минтақаларда жойлашганлигини объектив сабаблар қаторига киритиш мумкин. Шунингдек бу илмий алмашшув фақат бир тарафга, яъни Туркистондан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари томонга бўлмаган, аксинча йўналишда ҳам ҳаракатлар бўлган; Иккинчидан, сўфийлик таълимотининг илк босқичи VIII–IX-асрларни ўз ичига олган бўлиб, зоҳидлик даври деб аталади [5.144-152]. Бу сўфийликнинг илк даври бўлиб, бош мақсади тақво ва парҳезкорлик, яъни белгиланган мақсадга эришишда ихтиёрий фақирлик ва моддий неъматлардан тийилиш кабилардан иборат бўлган. Бу даврда ҳам Туркистонда сўфийлик таълимоти намояндалари етишиб чиққан. Шундай алломалардан бири Абу Хафс Кабир (768-832 йй.) бўлиб, унинг ҳанафийлик мазҳабини минтақага кириб келишига катта ҳисса қўшганлиги қайд этилади. Аллома сўфийликни бевосита тарғиб қилмаган бўлса ҳам, унинг фикр соҳасини сўфийлик таълимоти ғоялари билан уйғун қўшишга ҳаракат қилганлиги манбаларда қайд этилади; Учинчидан, Ўрта Асрлар даврида ислом тамаддуни илмий-маданий марказлари ўртасидаги бевосита алоқалар давом эттирилди. Илоҳиётда тараққиёт ва маърифат ғояларини оммалаштиришда улар ҳамкорликда фаолият олиб борганлиги, умумбашарий кадриятлар равнақи йулида ҳақиқий хамжихатлик руҳи мавжуд бўлгани ҳозирги давримиз учун ибратли бир ҳолдир [6.21].

Илк сўфийлик таълимотини ёйилишида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган юртимизнинг атоқли вакилларида яна бири, атоқли исломшунос аллома Ал-Ҳаким Ат-Термизийдир. Манбаларда Ҳаким Ат-Термизийнинг таваллуд топган йили тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Аллома яшаган даврда манбаларда фақат кишининг вафот этган санаси ёзилиши урф бўлган. Атоқли араб тадқиқотчиси Ҳожи Халифа (1608-1657) “Кашф уз-зунун” номли библиографик асарида Ҳаким ат-Термизий вафотини ҳижрий 869 йил деб кўрсатган. Мисрлик аллома

Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака алломани 820 йилда Термиз шаҳрида таваллуд топиб, 932 йилда 112 ёшида вафот этганлигини қайд этган [10.25]. Ҳозирги даврда алломанинг туғилган санаси масаласи тўғрисидаги манбаларда, асосан Мисрлик олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг маълумотлари расман қабул қилинган [9.52].

Манбаларда унинг қаламига мансуб асарларнинг сони тўғрисида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Айрим манбаларда алломанинг асарлари 400 та, бошқаларида 80 та ёки 40 асарлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар берилган [9.56]. Алломанинг асарлари ҳозирги даврга қадар тўлиқ етиб келмаганлиги бу масалага аниқлик киритишни қийинлаштиради.

Ал-Ҳақим Ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” (“Авлиёлар муҳри”, тахмин. 869 йил), “Китоб ҳақийқат ал-одамиййа” (“Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”), Адаб ун-нафс” (“Нафс одоби”) номли асарларида тасаввуф тарихида биринчи мартаба “валоят-валийлик” назарияси Термиз ва Балх атрофида «ал-ҳақимия» тасаввуф аҳли учун таълим дастури бўлган [10.91].

Ал-Ҳақим Ат-Термизий билиш (билим) ҳақидаги қарашларида тасаввуфий маърифт (гносис) тушунчалари қўллаган. Илмга инсон ўқиш, ўрганиш жараёни билан эриша олади. Маърифат руҳи дунёвий, нафсоний мойилликлардан холи бўлиб, бутун вужуди билан Аллоҳга таважжуҳ қилган инсонларга насб қилади. Ана шундай инсонларни аллома валийлар деб атайти. Асарларида авлиёлар тўғрисидаги тасаввуфий қарашларни асослар экан, аллома уларни Оллоҳнинг элчилари (расул) ва пайғамбарлари (анбиё) даражаларига кўтарган.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, Туркистон алломалари Абу Хафс Кабир, Ал-Ҳақим Ат-Термизий сўфийлик диний-фалсафий таълимоти ва тариқатлари вужудга келишига катта ҳисса қўшиб, таълимотнинг минтақамизда кенг тарқалишига шарт-шароит яратганлар.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Эскарханов Г. Л. Суфизм как мистико-философское учение в исламе //Исламоведение. 2012 №2. – С.73-76.
2. Ўзбекистон ССР тарихи. Ғуломов Я.Ғ ва бошқалар. Ж.1. – Т., Фан. – 414-415 бетлар.
- 3.Бартольд В.В. Мистицизм в исламе. Т.6. – М., Наука. 1966. – С.114-121.
4. Sagdullaev A.S. O'zbekiton tarixi: I kitob. Darslik. – Toshkent “NIF MSh” 2024. – 481.
- 5.Адилов Б.Б. Тасаввуф таълимотини ўрганишнинг илмий-методологик асослари //Илм-фан ва инновация имлмий-амалий конференцияси. материаллари. Т.3№27 (2025). – 144-152 б.

6. Буюк юрт алломалари [Matn] / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У. Уватов.
–Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 21, 52, 56 б.
7. Nomozov B. Sharq allomalarining ilmiy-ma'naviy me'rosi [Matn]:O'quv
qo'llanma. – Buxoro: "Sadriddin salim Buxoriy". – 97-98 b.